

1917-1929-ЙИЛЛАРДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТИЛ МУНОСАБАТЛАРИ

Б.А.Кошанов

Д.С.Косымбетова

Қарақалпоқ давлат университети.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.1421121>

Аннотация. Мақолада янги архив манба ва адабиётларга асосланган ҳолда 1926-1940 йилларда Қарақалпогистонда лотин графикасига ўтиши ҳақидаги маълумотлар ёритилган, қарақалпоқ ёзуви ислоҳотининг сабаб ва оқибатлари кўрсатилган.

Калим сўзлар: ёзув, тил, алфавит, “яналиф”, лотинлаштириш, миллийлик, саводсизликни тугатиши, орфография, Қарақалпогистон автоном республикаси, кирилл алифбоси.

LANGUAGE RELATIONS IN KARAKALPAKSTAN IN 1917-1929

Abstract. In this article transition to the Latin graphics in 1926-1940 in Karakalpakstan on the basis of new archive sources and published materials are revealed. The reasons and consequences of the reform of the Karakalpak written language of are shown as well.

Key words: written language, language, alphabet, latinization, nationalities, liquidation of illiteracy, orthography, Karakalpak autonomous region, Cyrillic alphabet.

ЯЗЫКОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ В КАРАКАЛПАКСТАНЕ В 1917-1929 ГГ.

Аннотация. В статье на основе новых архивных источников и опубликованной литературы освещается экскурс по переходу на латинизацию в 1926-1940 годы в Каракалпакстане, показываются причин и последствия реформы письменности каракалпакского языка.

Ключевые слова: письменность, язык, алфавит, «яналиф», латинизация, наречия, национальности, ликвидация неграмотности, орфография, Каракалпакская автономная область, кириллица.

1919 йил июнь ойида Тўрткўлда катта ёшдагилар орасида саводсизликни бартараф этиш учун биринчи ўқув курслари очилди. Бу курслар ижроия қўмитаси ходимлари ва партия аъзолари учун ташкил этилган бўлиб, ўқитиш маҳаллий тилда олиб борилган.

Курсларда 40 нафар киши таълим олган. Бу катта ёшдаги аҳоли саводсизлигини тугатиш йўлидаги дастлабки қадам эди. Ўша йилнинг август ойида Тўрткўлда икки ойлик иккинчи ўқитувчилар курслари иш бошлади. Унда 24 нафар киши таълим олган. У ердаги ўқитувчилар орасида Ержан Кожуров ҳам бор эди. Дарслклар турли тилларда эди.

1924-1925 ўқув йилида Қарақалпогистон Автоном Округида саводсизликни тугатиш бўйича 53 та пункт ва қишлоқ мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 1000 дан ортиқ киши таълим олган. Тўрткўл округида уларнинг сони 17 та, Чимбой округида 16 та, Хўжайли ва Қўнғирот округларининг ҳар бирида 10 тадан эди.

1928-1929-ўқув йилида Қарақалпогистон вилоятидаги саводсизликни тугатиш пунктларини 3 мингга яқин киши тамомлаб, яна 4 мингга яқин киши ўқишини давом эттирган. 1933 йилга келиб, республика аҳолисининг саводхонлик даражаси 32 фоизга етган. 1940 йил 10 декабрда Ўзбекистон ҳукумати «ЎзССРда саводсизликни бутунлай тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди.

У.Суюновнинг таъкидлашича, 1922 йил охири - 1923 йил бошларида Тўрткўлда араб ёзувида «Дийқан даўысы (Деҳқон овози)» номли газета чиқарилган ва у стеклографда босилган¹. Нашр тили туркий тил асосидаги аралаш тил эди. Туркистон Республикасининг миллий газеталари туркий асосда тузилган ва эски ўзбек, ўзбек, татар, қозоқ ҳамда бошқа тилларнинг бир нечта компонентларини ўз ичига олган тилда чоп этилган².

1925 йилдан 1929 йилгача 32 дарслик ва китоблар, 52 рисола, 46 ҳар хил турдаги листовкалар, шунингдек, газета ва журнал нашр этилган. «Бу иш осон бўлмади! Қорақалпоқ тилидаги биринчи алфавит ва биринчи алифбо китобини тузишда қанча энергия сарфланди! - деб ёзади К.Авезов ва П.Варламов. - Қорақалпоқ тилида битта сонли газета ёки рисолани нашр этиш учун қанча меҳнат керак бўлди. Аммо бу нашрлар босмахонадан қорақалпоқ тилида чиққани биз учун катта байрам эди»³.

Н.А.Басқаков ўзининг монографиясида ноширлик ишининг 1920-йилларда шаклланган «янги» қорақалпоқ тилида чоп этилган ижтимоий-сиёсий адабиётлар, газеталар, дарслклар ва қорақалпоқ адабиёти вакилларининг асарларидан бошланади, деб таъкидлайди⁴. Шунингдек, Н.А.Басқаков 1920-1930-йилларда Тўрткул типографиясида араб графикасидаги қорақалпоқ тилида дастлабки чоп этилган китоблар ҳақида айтиб ўтади. Жумладан, Е.Баҳий, Қ.Айимбет ўғли, Б.Ергалий ўғли, Д.Жаксимуратов, Қ.Ерманов томонидан таёрланган дарслклар, Қорақалпоғистонлик ёш ёзувчи ва шоирларнинг бадиий нашрлари хақида сўз юритади.

1925 йилда Тошкентда ёзувчи С.Мажитов ва Қ.Авезов томонидан яратилган биринчи «Алифбо», «Алифбодан сўнг ўқийдиган ўқув китоби», «Егеделер саўаты» ўқув қўлланмалари нашр этилди. «Әлипбе» (Алифбо) 1925 йилда Қозоғистон давлат нашриётининг Тошкентдаги Шарқ бўлимида чоп этилган. Кириш қисми М.Ауезов билан ҳамкорлиқда ёзилган⁵. Кириш сўзида муаллиф китобни ёзиш жараёнida қорақалпоқ тилидаги товушларга мос келадиган ҳарфларни танлагани қайд этилган. Унинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда араб ёзувидаги 32 та ҳарф ва 25 та ҳарф танлаб олинган. Қ.Байназовнинг маълумот беришича, 1926 йилда Тўрткул босмахонасида биринчи марта С.Мажитов томонидан тузилган китоб – «Қорақалпоқ адабиёти тўплами»⁶ нашрдан чиққан, аммо проф. Қ.Айимбетовнинг айтишича, ушбу китоб 1930 йилда чоп этилган⁷.

Қорақалпоғистон худудида, хусусан, Чимбойда кутубхоналар мавжудлигининг яна бир далилини А.Қудияров ўзининг монографиясида келтириб, унда “олимлар томонидан китоблар, қўлёзмалар, ҳалқ оғзаки ижоди намуналари, “Шажара” китблари, Чимбой шаҳри ва унинг атрофидаги қорақалпоқлар араб алифбосида, туркий тилда Навоий, Саъдий ва XII-

¹ Суинов У.. Первая из газет Амударьинской области // Вестник ККФ АН УзССР. 1964, №4. С.81

² Абдуллаев К.Н. Оружием печатного слова. - Душанбе, 1989. С.8

³ Авезов К., П.Варламов. Кара-Калпакстан к 10-летию Казахстана. – Алма-Ата, 1930. – С.29

⁴ Басқаков Н. Каракалпакский язык. Т. 1, 2. – М., 1952. – С.12

⁵ Өлеўов Ө. Қарақалпақстанда тәлим-тәрбиялық ойлардың қелиплесиўи ҳэм рауажланыўы (Қарақалпак ҳалкының педагогикаси тарыхы). – Нукус, 1993. СС.446-447

⁶ Байназов Қ. Сейфулғәбийт Мәжитовтың өмири ҳэм дөретиўшилик хизметлери// Сейфулғәбийт Мәжитов. Шығармалары. – Нөкис, 1992. – С.16

⁷ Айымбетов К. Откен күнлдерден елеслер. – Нөкис, 2008. – С.132

XIX асрлар Ўрта Осиё мутафаккир шоирларининг асарлари, араб ва форс тилларида ўзлаштирилганлигини кўрсатади. Қадимги форс тилидаги эпиграфик ёдгорликлар (“Хон масжиди”, Боғдод мозоридан ва бошқалар), дарслеклар, қўлёзмалар ва тиббиёт, математика, фалсафа, астрономия, календарлар ва бошқа соҳаларга оид китоблар жамланган”⁸.

1921-йилда Амударё вилоятида 5 та клуб, 6 та қизил чойхона, 8 та ўкув жойи, 800 нусха китоб фондига эга битта рус кутубхонаси ташкил этилган⁹. Жорий йилнинг ўрталарига келиб яна 3 та клуб, 3 та кутубхона ташкил этилган, шундан 2-таси Тўрткўлда, биттаси Чимбойда жойлашган. Шунингдек, вилоятда 4 та ўкув жойи (Тўрткўлда – 2-та, Шўрахон ва Чимбойда биттадан) ўз фаолиятини бошлаган. Бу ерда араб графикасида ёзилган китоб ва газеталар тўплами ҳам мавжуд бўлган¹⁰.

Ж.Ўрумбоевнинг ёзишича, “педагогик кадрлар етишмаслиги сабабли араб тилида ўқиш ва ёзишни биладиган шахслар, жумладан, диний мусулмон мактабларидағи муллаларнинг вақтинча ўқитувчилик қилишига рухсат этилган”¹¹.

Араб алифбосини ислоҳ қилиш лойиҳалари орасида энг кенг тарқалгани машҳур қозоқ жамоат ва давлат арбоби, маърифатпарвар Ахмет Байтурсынов (1873-1937) томонидан ишлаб чиқилган ва «төте жазиу (бевосита ёзув)» деб номланган лойиҳа бўлди.

Профессор Е.Д.Поливанов ўзининг «СССР турк ёзувларида график инқилобнинг асосий шакллари» номли мақоласида А.Байтурсыновнинг араб графикаси асосидаги қозоқ алифбоси лойиҳасини «дохиёна» деб таърифлаган¹². «Лингвистик нуқтаи назардан, бундай варианtlар анъанавий алифбога нисбатан олдинга қўйилган қадам эди, улардан баъзилари, масалан, Қозоғистондаги Байтурсыновнинг араб ёзуви жуда муваффақиятли бўлган», - деб ёзади россиялик тадқиқотчи В.М. Алпатов. «Психологик жиҳатдан, саводли татар ёки ўзбек учун улар лотин ёки кирилл алифбосидан кўра қулайроқ бўлган, чунки фақат қисман қайта ўрганишни талаб қилган. Бундан ташқари, улар ўзгармаган шаклдаги араб алифбосига хос бўлган яққол ифодаланган диний тусга эга бўлмаган»¹³..

«Деҳқон овози» газетаси чоп этилган даврда анъанавий араб ёзувининг мавқеи мустаҳкам бўлиб, зиёли аҳолининг аксарияти томонидан қўллаб-қувватланарди. Гарчи араб ёзуви эски маданият билан боғлиқ ва тил жиҳатидан ноқулай бўлса-да, 1920 йилларнинг бошида унинг асосида қорақалпоқ алифбоси яратилган. Аммо тилнинг грамматик ва лексик таркиби тўлиқ ишлаб чиқилмаган эди. «Рус ёзуви» деб аталган кирилл алифбоси минтақанинг чор Россияси томонидан мустамлака қилиниши билан боғлиқ бўлган. Шу сабабли, Ўрта Осиё миллий зиёлилари орасида араб ёзувини ислоҳ қилиш ва уни туркий тилларга мослаштириш фикри устунлик қилган эди.

Бу ғоя 1921 йилда «Чигатой гурунги» филологик жамият томонидан ташкил этилган ўзбек имлосига бағишланган курултойда қўллаб-қувватланди. Шу ерда лотин алифбосига

⁸ Кудияров А. История города Чимбая (XIX – начало XX вв.). – Нукус, 2019. – 69-6

⁹ O’zbekiston respublikasi Milliy arxivi (O’R MA), 296-f., 1-ruyh., 56-ish, 7-b

¹⁰ O’zR MA, 296-f., 1-ruyh., 61-ish, 19-b.

¹¹ Урумбаев Ж. Очерки истории школ Каракалпакстана. – Нукус, 1974. – 123-6.

¹² https://ru.wikipedia.org/wiki/Байтурсынов,_Ахмет

¹³ Алпатов В.М. 150 языков и политика. 1917-2000. Социолингвистические проблемы СССР и постсоветского пространства. – Москва, 2000. С.67

ўтиш ғояси ҳам илгари сурилган, аммо у кўпчилик томонидан маъқулланмаган¹⁴. Лотин алифбоси таникли тилшунос Е.Д. Поливанов сўзга чиқсан Ўзбекистон маориф ходимларининг II қурултойида ҳам кўллаб-қувватланмаган эди. Шунга қарамай, 1923 йил октябрь ойида Бухорода бўлиб ўтган кенгашда ислоҳ қилинган араб алифбоси қабул қилинади, Е.Д.Поливановнинг ўзбек лотин алифбоси варианти эса хохловчилар учун ёрдамчи восита сифатида рухсат этилади.

«Ески қарақалпақ жазыўы» («Эски қорақалпоқ ёзуви») ўкув қўлланмасининг муаллифлари Қ.Утегенов ва Қ.Исмоиловлар араб ёзуви асосидаги ислоҳ қилинган қорақалпоқ тили ҳақида сўз юритадилар¹⁵. Тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланган бўлиб, у рус ва араб шрифтлари (харфлари), бўёқлар ҳамда бошқа босмахона жиҳозлари билан таъминланган. 1922 йил 20 майда ТКП Амударё вилоят шаҳар қўмитаси Ижроия бюросининг йиғилишида араб (ширифтлари) харфларини Тўрткўлга кўчириш учун Давлат нашриётининг маҳаллий бўлимига 175 миллион рубль ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади¹⁶. Тўрткўлда ҳафтасига бир марта 1000 нусхада «Биринши адым (Биринчи қадам», газетаси, Хўжайлида эса 250 нусхада «Еркин қарақалпақ (Озод қорақалпоқ)» газетаси чоп этилади¹⁷.

Маълумки, 1924 йилнинг охирида С.Оғайдаров муҳаррирлигига «Еркин қарақалпақ» газетасининг биринчи сони тошбосма усулида чоп этилган эди. Газетани ҳар ҳафта 1200 нусхада нашр этиш режалаштирилганди. Лекин амалда газетани чиқариш анча мураккаб иш бўлиб чиқди. Ушбу газета ходими 1925 йил 24 апрелдаги 10-сонли мақоласида доимий муҳаррирлар, саводхон ходимлар, шунингдек, шрифт етишмаслиги, босмахона ускуналарининг эскирганлиги газетани чоп этиш муддатларини ва газета сонларининг сифатини сезиларли даражада пасайтираётганини ёзади. «Газетанинг аҳволи ёмон, - дейди муаллиф, - бунинг устига 4 саҳифанинг барчасига етадиган шрифт ҳам етишмайди. Аввал икки варақни босиб чиқариб, кейин худди шу шрифтни 3-4-варақлар учун қайта териш зарур бўлмоқда». Бу даврда газетанинг формати 35x55 см бўлиб, 4 саҳифадан иборат бўлган ва бу формат 1930 йилларнинг бошларигача сақланиб қолган. 1925 йил январь ойининг бошида Тўрткўл босмахонасида ишлаш учун Хивадан машҳур ўзбек матбаачиси Отажон Абдалов таклиф этилган. Унинг қўл остида атиги 4 киши: 2 нафар ҳарф терувчи, бир босувчи ва бир айлантирувчи ишлаган¹⁸.

1920 йилларнинг ўрталарида нашр этилган «Еркин қарақалпақ» газетасининг тили, илк китоблар сингари, ҳали ҳам аралаш бўлиб, ислоҳ қилинган араб ёзуига асосланган эди.

Одатда, таҳририятга келиб тушган мактублар мутлақо таҳрирланмасдан, тўғридан-тўғри матбуотга топшириларди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу даврда даврий матбуот нашрлари учун, иш юритиш ҳужжатлари каби, аҳолининг кўпчилик қисми тилининг услубий ва грамматик хусусиятларига асосланган мустаҳкам шаклланган услугб ишлаб чиқилмаган эди. Матбуот саҳифаларида «қўмита», «мусофат», «налог» каби бошқа

¹⁴ Языковая политика СССР в 20-30-е годы. Москва, 2008. // <https://refdb.ru/look/2313116.html>

¹⁵ Отегенов Қ., Исмаилов Қ. Ески қарақалпақ жазыўы. – Нөқис, 1992. С.3

¹⁶ Досумов Я. Очерки истории Каракалпакской АССР. – Ташкент, 1960. С.294

¹⁷ Нуржанов С. Указ соч. С.69.

¹⁸ Суинов У. Периодическая печать Каракалпакской автономной области // Вестник ККФ АН УзССР, 1962, №4. С.64

тилларга хос бўлган сўзларни учратиш мумкин эди. Аммо вақт ўтиши билан маҳаллий матбуот тили қорақалпоқ ёзма тили меъёрларига мувофиқ шакл ва услубни ўзлаштира бошлади. Бу жараённинг бошида қорақалпоқ тилидаги дастлабки дарсликларнинг муаллифи, таниқли маърифатпарвар С.Мажитов турарди.

REFERENCES

1. Суинов У. Первая из газет Амударьинской области // Вестник ККФ АН УзССР. 1964, №4. С.81
2. Абдуллаев К.Н. Оружием печатного слова. - Душанбе, 1989. С.8
3. Аvezov K., P.Varlamov. Kara-Kalpakstan k 10-letiyu Kazakstana. – Alma-Ata, 1930. – C.29
4. Баскаков Н. Каракалпакский язык. Т. 1, 2. – М., 1952. – С.12
5. Элеўов Θ. Қарақалпақстанда тәлим-тәрбиялық ойлардың қәлиплесиўи ҳәм рауажланыўы (Қарақалпақ халқының педагогикасы тариыхы). – Нукус, 1993. СС.446-447
6. Байназов Қ. Сейфулғәбийт Мәжийтовтың өмири ҳәм дөретиўшилик хизметлери// Сейфулғәбийт Мәжийтов. Шығармалары. – Нөкис, 1992. – С.16
7. Айымбетов К. Өткен күнлерден елеслер. – Нөкис, 2008. – С.132
8. Кудияров А. История города Чимбая (XIX – начало XX вв.). – Нукус, 2019. – 69-б
9. O’zbekiston respublikasi Milliy arxivi (O’R MA), 296-f., 1-ruyh., 56-ish, 7-b
10. O’zR MA, 296-f., 1-ruyh., 61-ish, 19-b.
11. Урумбаев Ж. Очерки истории школ Каракалпакстана. – Нукус, 1974. – 123-б.
12. https://ru.wikipedia.org/wiki/Байтурсынов,_Ахмет
13. Алпатов В.М. 150 языков и политика. 1917-2000. Социолингвистические проблемы СССР и постсоветского пространства. – Москва, 2000. С.67
14. Языковая политика СССР в 20-30-е годы. Москва, 2008. // <https://refdb.ru/look/2313116.html>
15. Өтегенов Қ., Исмаилов Қ. Ески қарақалпақ жазыўы. – Нөкис, 1992. С.3
16. Досумов Я. Очерки истории Каракалпакской АССР. – Ташкент, 1960. С.294
17. Нуржанов С. Указ соч. С.69.
18. Суинов У. Периодическая печать Каракалпакской автономной области // Вестник ККФ АН УзССР, 1962, №4. С.64